

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 24 сентябрь, № 209 (8271)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Дастлаб Олимпия шаҳарчаси бўйича тақдирлар кўриб чиқилди. Бу мажмуа 2025 йилда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларини қабул қилади. Халқаро талабларга мувофиқ, шаҳарчада олимпия стадиони, ёпиқ спорт мажмуалари, сув спорти саройи, машғулот майдончалари, эшак эшиш хавзаси барпо этилади.

Аввалги тақдимотда Президент бу спорт мажмуалари халқимизга мулк бўлиб қолиши, уларни сифатли қилиб қуриш зарурлигини айтган эди. Шу боис лойиҳалаш ва кейинчалик қурилиш жараёнига соҳада катта тажрибага эга чет эл компаниялари жалб этилади.

Давлатимиз раҳбари спорт мажмуаларининг универсал бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Стадион ва биноларнинг тепасида кўш панеллари ўрнатиб, энергияни тежаш, бўш майдонларда кўпроқ дарахтлар экиш бўйича тавсиялар берди.

Тақдимотда "Янги Ўзбекистон" университети лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Бунинг учун пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидан жой ажратилиб, ўқув бинолари, маъмурият, ўқитувчилар ва талабалар учун ётоқхоналар, ошхона, кутубхона, лаборатория, спорт мажмуаси қурилиши лойиҳалаштирилган.

Хозир бу ҳудудда Президент мактаби бор. Келгусида Президент таълим муассасалари агентлиги ҳам шу ерда жойлашади. Шу тариқа ҳудуд таълимга ихтисослаштирилган яхлит мажмуа бўлади.

Ихтисослаштирилган мактаблар — бизнинг заминимиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Уларда болаларимиз билимли, баркамол бўлиб воғна етади. Университет бу тизимнинг давоми бўлиб, мамлакатимиз учун керакли, замонавий мутахассислар тайёрлайди. Шунинг учун бу ерда барча шарт-шароит, илгор методика бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишларига кўпроқ маҳаллий қурувчиларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда кўрсатилган наватдаги лойиҳа ҳам

ёшлар камолотига қаратилган. Унга кўра маҳаллаларда стадион, ўйин майдончалари, кутубхона, компьютерхона, ошхона, ҳаммом ва бошқаларни ўз ичига олган марказлар барпо этиш кўзда тутилган.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, аҳоли билан маслаҳатлашиб, аввало, бундай марказлар қуриладиган жойлар аниқланди. Бугунги кунга 171 маҳаллада спорт майдончалари қурилиш бошланди, улардан 64 таси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунга қароғай бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ ўтказилган "Беш ташаббус" олимпиадасининг спорт мусобақаларида 279 та маҳалла голиб ва совриндор бўлган эди. Спортсевар ёшларга ҳам мукофот, ҳам рағбат сифатида, ушбу маҳаллаларда университет, стритбол ва воркаут мажмуалари қурилади.

Бундан ташқари, спорт инфратузилмаси йўқ яна 208 та маҳаллада ҳам стритбол ва воркаут майдонлари ташкил этилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йилги декабрда Корея Республикасига давлат ташрифи жуда самарали бўлган эди. Шундан сўнг Тошкентда тиббиёт кластери ташкил этиш лойиҳаси ҳам жадаллашди. Унга кўра Жанубий Кореянинг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик фонди (EDCF) кўмағида катталар учун тиббиёт маркази, онкология шифохонаси ва олий ўқув юрти қурилиши рехалаштирилган.

Бу учта мажмуа ҳозирги Боланар тиббиёт маркази билан бирга яхлит кластер ҳосил қилади. Унда ўқитиш ва даволаш бўйича Жанубий Корея тажрибасига асосланган илгор тизим йўлга қўйилади. Шифохоналар жами 900 бемор ўрнига эга бўлади. Қурилиш ишлари 2023 йилда бошланади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## ШҲТ: ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК УҒҚЛАРИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга фаол ва изчил кўмаклашмоқда, шунингдек, турли маданият ва анъаналарга эга халқлар ўртасида кўприк вазифасини бажармоқда. Ташкилот асрлар давомида минтақанинг асосий иқтисодий ва маънавий негизи бўлиб хизмат қилган Буюк Ипақ йўлида шаклланган мустақкам алоқаларни тиклаш ва бойитишга, халқларимиз фаровонлигини оширишга, минтақалар ва маданиятлараро яқинлиқни таъминлашга ёрдам бераётир, десак, айни ҳақиқат.

### Нуктаи назар

Ташкилотнинг Самарқанд шаҳрида қабул қилинган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича комплекс режа айнан шу мақсадларга қаратилган. Маданиятлар хилмаҳиллигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда, ташкилот миллионлаб одамларга маданиятлараро мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имконият эшикларини очиб бермоқда. ШҲТ доирасида университет ректорлик форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этишга қаратилган давлатимиз раҳбарининг ташаббуси фан ва таълим, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бу борадаги ришталар ҳақида гапирганда, 2015 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо дав-

латлар ҳукуматлари ўртасида имзоланган битимга эътиборни қаратмоқчиман. Унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда илмий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги фанлари, нанотехнологиялар ва материаллар, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, энергия ва энергияни тежаш, ер фанлари ва бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш белгиланган. Ушбу мақсад ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясида ҳам қайд этилган.

Унда таъкидланишича, аъзо давлатлар фан-техника, таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилади. Аъзо давлатлар таълим, илмий ва илмий-тадқиқот муассасалариаро ҳам-



жиҳатликни икки ва кўп томонлама форматда изчил кенгайтириб, томонларни қизиқтирган қўшма илмий дастур ва лойиҳаларни амалга оширади. Фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик учун ШҲТ инсон ка-

питалидан, хусусан, навқирон авлод ташаббусларидан фойдаланиш мақсад қилган. 2009 йилда ташкилотнинг Ёшлар кенгаши фаолияти йўлга қўйилган. Аъзо давлатлар йигит-қизлари ўртасида турли со-

ҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш мазкур кенгашнинг асосий максаси ҳисобланади. Айни чоғда Ёшлар кенгаши томонидан бир қатор илмий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.



## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР «КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҚОНУНЧИЛИК» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида II Тошкент аксилкоррупция форуми ўтказилди.

### Форум

Мазкур нуфузли анжуманда АҚШ, Жанубий Корея, Малайзия, Латвия, Озарбайжон каби давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича органлари вакиллари ҳамда хорижий экспертлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Форумни Олий Мажлис Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши раиси Танзила Норбоева ирози билан очар экан, тадбирнинг аҳамияти ҳамда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар ва уларда парламентнинг ўрни нечоғли бўлаётгани хусусида атрафлича тўхтади.

— Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳар йили Ўзбекистон Республи-

касида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузасини Сенатда эшитиш амалиёти жорий қилинди. Ушбу иллатга қарши курашишда юқоридан тортиб, энг куйи бўғингача бўлган бошқарувда парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишга қаратилган мулоқот янги тизим шакллантирилди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент назорати самардорлигини ошириш мақсадида парламент раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш тўзилди ва парламентнинг ҳар икки палатасида махсус қўмиталар ташкил этилди, жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раҳбарлигида ҳудудий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Т. Норбоева.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур форум Ўзбекистонда ва дунё мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш,

истикболдаги янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва ўзаро тажриба алмашишда мумин аҳамият касб этиб келаётди.

Сенат Раиси келгуси беш йилликда мамлакатда коррупцияга қарши кураш борасида эътибор қаратиладиган мумин жиҳатларга ҳам ургу берди. Хусусан, ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат "коррупциядан холи қонунчилик" тамойили асосида ишлаб чиқилади ҳамда коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чоралар қўйиштирилади. Айни чоғда коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, жумладан, сунъий интеллект технологиялари жорий этилади ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали жамоатчилик назоратини олиб бориш қўллаб-қувватланади.

Эътироф этилганидек, мазкур форум коррупцияга қарши курашиш борасидаги миллий ва хорижий экспертлар, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун очик мулоқот, қизгин муҳокама ва ўзаро тажриба алмашишда ўзига хос платформа вазифасини ўтагани билан аҳамиятли бўлди.

«Халқ сўзи».

### Онлайн мулоқот

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиясининг онлайн йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур комиссия аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бурхонов ҳам иштирок этди.

Йиғилиш давомида қонунлар лойиҳалари, МДҲга аъзо мамлакатларда радиоактив, кимёвий моддалар ва патоген биологик агентлардан террористик мақсадда фойдала-

нишга қарши курашиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда АКТ соҳасида қонунбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа қатор масалалар атрафлича муҳокама қилинди.

Комиссия аъзолари кўриб чиқилган масалалар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».

## ВАЗИРЛИК АҲБОРОТИ ДЕПУТАТЛАРНИ ҚОНИҚТИРДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Баңдлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "2022 йил учун бюджет харajatлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлар ижроси бўйича амалга оширилган ишларни тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

### Эшитув

Таъкидланганидек, вазирликка 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар, асосан, меҳнат бозорининг барқарор ва муносиб равишда ривожланишини таъминлаш, аҳоли бандлиги даражасини ошириш, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа йўналишларни молиялаштиришга сарфланиши режалаштирилган.

Маълумотларга кўра мамлакатимизда меҳнат

ресурслари сони 19 453,3 миң кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 100,8 фоизга ёки 153,7 миң кишига ошган. Меҳнат билан банд бўлганлар сони 13 773,6 миң, расмий секторда банд аҳоли 6 074,4 миң, норасмий секторда банд бўлганлар 5 699,3 миң кишини ташкил этган. Ишсизлик даражаси ўтган йил якуни бўйича 9,6 фоиз, шу йил иккинчи чорак якуни бўйича 9,2 фоизлик кўрсаткичда бўлган.



## ЎЙИ БОРНИНГ ЎЙИ БЎЛМАЙДИ

Бу нақл бежиз айтилмаган. Унинг таг-заминида жуда катта маъно бор. Зеро, одамларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражасидан қониқиш ҳисси оилавий бахт-саодатга злтувчи асосий омилдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев вазибасига киришган илк паллаларданок бу долзарб масалани алоҳида эътиборга олиб, одамларни уй билан таъминлаш чораларини кўрди. Натижада янги Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланди. Айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилди.

### Муносабат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси бугун мамлакатимизда фуқароларнинг уй-жой шароити тубдан яхшилаётгани, шаҳар ва қишлоқларда янги тураржойлар қуриш суръати ва кўлами жадаллик билан кенгайиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Қурилиш ишлари нафақат азим пойтахти-

мизда, балки ҳудудларда ҳам жадал тус олади. Шунингдек, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ипотека кредитлари ажратишда уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам эътиборга олинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 22 сентябрда "Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу мақсадларга хизмат қилади.







